

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХОДЖАЕВА МАДИНА ФАХРИТДИНОВНА

СЕНИЛ АСТЕНИЯ СИНДРОМИНИНГ КЛИНИК- НЕВРОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДИАГНОСТИК ЁНДАШУВЛАРИ, ДАВОЛАШ
ТАКТИКАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора филозофии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ходжаева Мадина Фахритдиновна

Сенил астения синдромининг клиник- неврологик хусусиятлари ва
диагностик ёндашувлари, даволаш тактикасини

оптималлаштириш..... 3

Ходжаева Мадина Фахритдиновна

Клинико - неврологические особенности и диагностические
подходы при синдроме старческой астении,

оптимизация лечебной тактики..... 27

Khodjaeva Madina Fakhritdinovna

Clinical and neurological features and diagnostic
approaches for frailty syndrome, optimization

of treatment tactics..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХОДЖАЕВА МАДИНА ФАХРИТДИНОВНА

СЕНИЛ АСТЕНИЯ СИНДРОМИНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДИАГНОСТИК ЁНДАШУВЛАРИ, ДАВОЛАШ
ТАКТИКАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2783 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимбаева Гульнора Саттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аликулова Нигора Абдукадировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Курушина Ольга Викторовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-28, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-28).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ж. Магмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳолининг қариши XXI асрда тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотадиган мавзуга айланган. Глобал қариш сайёрамиз аҳолиси сони кўпайишининг нафақат демографик, балки ижтимоий-иқтисодий жиҳатларига ҳам таъсир қилади. Шунини таъкидлаш керакки, сўнгги бир неча ўн йилларда аҳоли умр кўришининг ўртача давомийлиги сезиларли даражада ортиб бораётгани кузатилмоқда. Чунинчи, 1950 йилда дунёда 65 ва ундан катта ёшдагилар 128 миллион киши бўлган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич қарийб 6 баравар кўпайиб, 761 миллион кишини ташкил этди. БМТ экспертлари таҳлиллари натижаларига кўра, «...2050 йилга бориб 60 ёшдан ошганлар салмоғи 11 %дан 22 % гача, яъни икки баравар кўпайиб, 2 миллиард кишига етади, 80 ва ундан катта ёшдагилар сони эса деярли тўрт баробар ошади...»¹. Қариш физиологик жараён бўлиб, организмда заифлик ёки астения кучайишига олиб келади. Буларнинг барчаси, бугунги жамиятда узок муддатли мақсадларни кўзлаб ушбу муаммони ҳал қилишга эҳтиёжни юзага келтиради ва бунинг учун биринчи навбатда геронтологлар ва ижтимоий соҳа мутахассислари жалб қилинишини тақозо этади. Шу муносабатда, ушбу муаммони ҳал қилиш йўллари концепциясини ишлаб чиқиш, фаол ва соғлом қариш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, кекса одамлар учун қулай муҳитни таъминлаш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда сенил астения синдроми (САС) ривожланишининг омилларини ўрганиш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, генетик омиллар, иммун яллиғланиш ва марказий асаб тизими фаолиятидаги нуқсонларни, шунингдек, САСга олиб келадиган нейроэндокрин касалликларнинг таъсирини ўрганиш, синдромнинг эрта ривожланишидан далолат берадиган, шунингдек унинг ривожланганлик даражасини баҳолаш имконини берадиган САСнинг специфик маркерларини аниқлаш, САСнинг гуморал ва нейроэндокрин маркерларини аниқлаш, САС ривожланган шахсларда неврологик нуқсон ва марказий асаб тизимининг эрта шикастланиш белгиларини ўрганиш, преастения ва астенияли беморларни комплекс клиник кўриқдан ўтказиш, айниқса, асоратларни камайтириш ва реабилитацион чора-тадбирларни тузатиб бориш учун ўз вақтида самарали даволашни амалга оширишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этган.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, преастения хавф гуруҳини аниқлаш, САСни даволашни оптималлаштириш ва реабилитация жараёнини мослаштириб боришга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига

¹Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши: Аҳолининг ёш таркибини ўзгартириш ва барқарор ривожланиш. – Е/СТ.9/2017/2

мувофиқ «...тиббий меҳнат кўригидан ўтказиш ва ногиронликни аниқлашнинг шаффоф, замонавий усул ва мезонларини жорий этиш, ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, нафақат аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини ошириш бўйича, балки САС ривожланган беморларда эрта ногиронликни камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирлар юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 30 августдаги ПҚ-3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Сунгги йилларда сенил астения синдромининг ривожланишига олиб келадиган омиллар бўйича мунозаралар давом этмоқда ва халигача бу масала бўйича аниқ ечим йўқ. Ушбу ҳолатда ўзгарадиган ёки синдромнинг бошланишидан далолат берадиган маркерларни излаш долзарб бўлиб қолмоқда (Brizzi M.F., 1999). Сенил астениянинг келиб чиқишининг генетик омилларига эътибор берадиган баъзи назарияларни ажратиб кўрсатиш мумкин (Abacilar F., Dogan O., Duman U., 2015). Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сенил астения синдроми, ёки кексаликдаги заифлик синдроми, кекса беморларнинг соғлиги ҳолатини тавсифлайди ва уларнинг парваришга муҳтожлигини кўрсатади. Сенил астения синдромининг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар алоҳида қизиқиш уйғотади (Taaffe D.R., Harris T.B., Ferrucci L. et al., 2000). Организмнинг потенциал имкониятларини ишга солиш учун комплекс ёндашувлардан фойдаланиш фаол қариш ва умр кўриш давомийлигини оширишга имкон беради (Cederholm T.E., Bauer J.M., Boirie Y., Schneider S.M., 2009; Chen X., Mao G., Leng S.X.,

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони

2014; Formiga F., Ferrer A., Sanz H. et al., 2013; Yilmaz T., Kogan E.G., 2004). Хужайралар қариши билан уларнинг функционал имкониятлари пасаяди, бу хужайра ичидаги биокимёвий жараёнларнинг ва унинг бошқа хужайралар билан ўзаро таъсирлашувининг пасайишига олиб келади (Glass C.K., Olefsky J.M., 2012; Sadler E., Potterton V., Anderson R. et al., 2019; Schaap L.A., Pluijm S.M., Deeg D.J., 2009). Баъзи тадқиқотчилар физиологик қаришни патологик ҳолат деб ҳисоблашса, бошқалари касаллик ва қариш ҳар доим ҳам ўзаро боғлиқ эмаслигини таъкидлайдилар (Жабоева С.Л., Бочарова К.А., Герасименко А.В., 2014; Ткачева О.Н., Руникҳина Н.К., Котовская Ю.В., Шарашкина Н.В.; Smith R., Kaune H., Parodi D., Madariaga M., Rios R., Morales I. et al., 2006). О.В.Коркушко ва унинг ҳамкасблари (2003) бу масалага энг мос ёндашувни таклиф қилишади. Шундай қилиб, сенил астения синдромининг ривожланиши тўғрисидаги замонавий тасаввурлар нафақат гериатрик синдромлар ва касалликларнинг пайдо бўлиш механизмларига, балки қариш жараёнида хужайраларда юз берадиган молекулаларнинг ўзаро таъсирлашувига ҳам асосланади.

Ўзбекистонда кекса беморларда бундай синдромлар ва ҳолатларнинг частотасини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмаган.

Жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, моҳиятан олганда, САС ривожланган беморларда неврологик нуқсонлар ва когнитив функциялардаги ўзгаришлар хусусиятларини ўрганишга қаратилган ишлар давом этмоқда, уларда таклиф этилаётган чоратadbирларга нисбатан фикрлар қарама-қаршилиги мавжудлиги шундан далолат берадики, таклиф этилаётган чоралар ҳали тўлиқ эмас ва уларга доим ҳам қўшилиб бўлмайди. Юқоридагиларнинг барчаси ушбу ҳолатларни ҳал қилишнинг мақбул усулларини ишлаб чиқиш ва шунга мос равишда, ногиронлик ва эрта ўлим хавфини камайтириш бўйича тадқиқотларни давом эттириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ №03-4974 «Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактика ёрдамини такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавф омилларини бартараф этиш» (2018–2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сенил астения синдроми ривожланган беморларда неврологик етишмовчилик хусусиятларини аниқлаш, марказий асаб тизими (МАТ) шикастланишини эрта аниқлаш маркерларини ишлаб чиқиш ва уларнинг математик таҳлиллари асосида диагностика ва терапевтик ёндашувларни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

физиологик қариллик даврини ўтказаётган катта ёшдаги ва кекса беморларда САС нинг клиник-неврологик кўринишларини руҳий ҳолатни ва озикланишни баҳоловчи шкалалар, депрессиянинг гериатрик шкаласи, Лаутон

шкаласи ёки функционал ва инструментал фаолликни баҳоловчи шкала, чарчокни баҳоловчи FAS шкаласи ёрдамида қиёсий таҳлил қилиш;

турли гуруҳларда САСга хос бўлган қон биомаркерларидаги ўзгаришларнинг хусусиятларини, томир эндотелиал ўсиш омили VEGF ва дегидроэпиандростерон сульфат (DHEAs) даражалари каби биомаркерларни баҳолаш;

олинган натижаларга асосланиб, қон зардобидаги VEGF, DHEAs нинг миқдорий таркибини шкалалар кўрсаткичлари билан корреляцион таҳлилни ўтказиш;

ўтказилган тадқиқот натижалари асосида даволаш тактикасини оптималлаштириш ва САСни эрта ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021 йилдан 2023 йилгача Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси неврология бўлимида даволанган сенил преастенияси мавжуд 60 нафар бемор ва сенил астенияси мавжуд 60 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлардан олинган қон зардоби намуналари, клиник, инструментал ва нейрпсихологик тадқиқотлар натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда САСли беморларда неврологик етишмовчилик хусусиятларини аниқлаш учун клиник-неврологик, нейрпсихологик (сўровномалар ва шкалалар – «Ёш тўсиқ эмас», MMSE, MNA, GDS, Лаутон, FAS), биокимёвий (қон зардобида DHEA-S ва VEGF миқдори), инструментал (кафт динамометри), тана масса индекси (ТМИ) ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сенил астения ва преастения ривожланган беморларда когнитив дисфункция билан бирга патологик жараённи чуқур даражада ривожланганлиги, клиник симптомларнинг динамик кечишини кўрсатувчи функционал активлик ва озикланиш статусининг оғир даражада бузилиши исботланган;

сенил астения синдромини ташхислашда DHEA-s гормони ва VEGF сигнал оқсил миқдорининг камайиши когнитив дисфункция сабабли қариш жараёнининг кечишини баҳолаш учун маркер сифатида қўлланилиши асосланган;

кекса инсонларнинг ногиронлиги ва атрофдагиларга қарамлилигини камайтириш ва касаликнинг эрта босқичларида даволаш - профилактика чора тадбирларининг самарадорлигини ошириш мақсадида сенил астения синдромини эрта ташхислашга дифференциал ёндашув мезонлари ишлаб чиқилган;

сенил астения синдроми ривожланган беморларда реабилитация жараёнининг сифатини яхшилаш мақсадида, кекса инсонларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берадиган махсус комплекс даволаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сенил астения ва преастения ривожланган беморларда когнитив бузилишлар, функционал активлиги ва нутритив статусни ўзгаришларни таҳлил қилиниб, дифференциал ёндашув мезонлари таклиф қилинган;

сенил астения синдромини эрта ташхислаш учун беморлар қон зардоби таркибидаги DHEA-s гормони ва VEGF сигнал оксиди миқдорининг камайиши диагностик маркер сифатида қаралиши тавсия этилган;

сенил астения ва преастения ривожланган беморларга тиббий ёрдам сифатини яхшилаш учун медикаментоз ва реабилитацион даволаш чора-тадбирлари мажмуаси таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-неврологик, нейропсихологик, биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усуллар асосида неврологик нуқсонларнинг хусусиятларини аниқлашнинг ўзига хослиги, натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулосалар, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сенил астения ёки преастенияли беморларда клиник, нейропсихологик, биокимёвий тадқиқот усулларининг кўрсаткичлари периферик қондаги DHEA-S ва VEGFнинг миқдорларини ҳисобга олган ҳолда неврологик етишмовчиликни қайта тиклаш, касалликнинг асоратлар камайтириш имконини берадиган модификацияланган терапиянинг қўлланилиши зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти СА ва ПА ривожланган беморларда DHEA-S ва VEGF кўрсаткичларини, шунингдек неврологик етишмовчиликнинг динамикадаги ўзгариш даражасини ҳисобга олган ҳолда махсус даволаш тактикасидан фойдаланиб асоратлар ривожланишини, ногиронлик хавфини ва қайта тикланиш муддатини камайтиришга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сенил астения синдромининг клиник- неврологик хусусиятлари ва диагностик ёндашувлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: сенил астения ва преастения ривожланган беморларда когнитив дисфункция билан бирга патологик жараёни турли даражада ривожланганлиги, клиник симптомларнинг оғирлиги ва яққоллигини кўрсатувчи функционал активлик ва озикланиш статусининг яққол бузилиши исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 6 июлда 07-23/67-сон билан тасдиқланган «Сенил астения ва преастения билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш алгоритми» номли услубий тавсияномага киритилган. Мазкур таклиф Яккасарой туманидаги 57-оилавий поликлиника бўйича 06.10.2023 йилдаги 187-207-DOP/2023-сон ҳамда Қашқадарё вилояти Кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 14.09.2023 йилдаги 79- I/СН-сон буйруқлар

билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/73-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* таклиф этилаётган усул касалликни эрта босқичда аниқлаш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалликнинг кучайишини олдини олиш, беморларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлик:* стационар шароитда мазкур касалликни даволашга сарфланадиган 230 000 сўм бюджет маблағлари касалликни эрта ташхислаш ва асоратларни эрта прогноз қилиш ҳисобига беморларнинг ногиронлик муддати қисқартирилди, нисбатан қиммат бўлган стационар даволанишга бўлган эҳтиёж камайтириш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: сенил астения синдромини ташхислашда DHEA-S гормони ва VEGF сигнал оқсили миқдорининг камайиши қариш жараёнининг кечишини баҳолаш учун маркер сифатида қўлланилиши илмий жихатдан асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 6 июлда 07-23/67-сон билан тасдиқланган «Сенил астения ва преастения билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш алгоритми» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган. Мазкур таклиф Яккасарой туманидаги 57-оилавий поликлиника бўйича 06.10.2023 йилдаги 187-207-DOP/2023-сон ҳамда Қашқадарё вилояти Кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 14.09.2023 йилдаги 79- I/СН-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/73-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* таклиф этилаётган усул касалликни эрта босқичда аниқлаш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалликнинг кучайишини олдини олиш, беморларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлик:* стационар шароитда мазкур касалликни даволашга сарфланадиган 230 000 сўм бюджет маблағлари касалликни эрта ташхислаш ва асоратларни эрта прогноз қилиш ҳисобига беморларнинг ногиронлик муддати қисқартирилди, нисбатан қиммат бўлган стационар даволанишга бўлган эҳтиёж камайтириш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: кекса инсонларнинг ногиронлиги ва атрофдагиларга қарамлигини камайтириш ва касаликнинг эрта босқичларида даволаш - профилактика чора тадбирларининг самарадорлигини ошириш мақсадида сенил астения синдромини эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилганлиги ҳақидаги таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 6 июлда 07-23/67-сон билан тасдиқланган «Сенил астения ва преастения билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш алгоритми» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган. Касалликнинг эрта босқичида даволаш-профилактика тадбирларининг самарадорлиги юқори, ногиронлик ривожланишининг олдини олиш, когнитив функцияларни яхшилаш, ҳамда хавотир ва депрессия симптомларини камайтириш имкони кўпроқ бўлади, тегишлича, кекса инсонларнинг атрофдагиларга қарамлиги даражаси пасаяди. Мазкур таклиф

Яккасарой туманидаги 57-оилавий поликлиника бўйича 06.10.2023 йилдаги 187-207-DOP/2023-сон ҳамда Қашқадарё вилояти Кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 14.09.2023 йилдаги 79- I/СН-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 05/73-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* таклиф этилаётган усул касалликни эрта босқичда аниқлаш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалликнинг кучайишини олдини олиш, беморларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлик:* стационар шароитда мазкур касалликни даволашга сарфланадиган 230 000 сўм бюджет маблағлари касалликни эрта ташхислаш ва асоратларни эрта прогноз қилиш ҳисобига беморларнинг ногиронлик муддати қисқартирилди, нисбатан қиммат бўлган стационар даволанишга бўлган эҳтиёж камайтириш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: сенил астения синдроми ривожланган беморларда реабилитация жараёнининг сифатини яхшилаш мақсадида, кекса инсонларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берадиган комплекс даволаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 6 июлда 07-23/67-сон билан тасдиқланган «Сенил астения ва преастения билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш алгоритми» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган. Мазкур таклиф Яккасарой туманидаги 57-оилавий поликлиника бўйича 06.10.2023 йилдаги 187-207-DOP/2023-сон ҳамда Қашқадарё вилояти Кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 14.09.2023 йилдаги 79- I/СН-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 05/73-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* таклиф этилаётган усул касалликни эрта босқичда аниқлаш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалликнинг кучайишини олдини олиш, беморларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлик:* стационар шароитда мазкур касалликни даволашга сарфланадиган 230 000 сўм бюджет маблағлари касалликни эрта ташхислаш ва асоратларни эрта прогноз қилиш ҳисобига беморларнинг ногиронлик муддати қисқартирилди, нисбатан қиммат бўлган стационар даволанишга бўлган эҳтиёж камайтириш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўрганилаётган муаммодаги эришилган ютуқларни ҳисобга олган ҳолда мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, муаммони ўрганилганлик даражаси, шунингдек, тадқиқот объектлари ва предметлари таърифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг соғлиқни сақлаш тизими амалиётига татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Сенил астения ва преастения синдроми клиник ҳолат сифатида (адабиётлар шархи)**» деб номланган биринчи бобда муаллиф адабиётлар маълумотларига асосланиб, астения ва преастения билан касалланиш ва тарқалиши ҳақидаги замонавий тасаввурларни очиб беради, уларнинг беморларда кечишининг клиник ва неврологик хусусиятлари ҳақида маълумот беради. Муаллиф замонавий, асосан хорижий илмий маълумотлардан фойдаланган ва ушбу тадқиқотни олиб бориш зарурлигини асослаб берган. Муаллиф ўз диссертациясида адабий манбаларнинг асосли талқинини ўрганганиб танланган даволаш тактикасига қараб астения ва преастенияни реабилитация қилиш натижаларининг ўзаро боғлиқлигини очиб берган.

Диссертациянинг «**Сенил астения синдромли беморларнинг клиник хусусиятлари, тадқиқот материаллари ва диагностика усуллари**» деб номланган иккинчи бобда қўлланилган тадқиқот материаллар ва методологик ёндашувлар хусусиятлари келтирилган. Клиник - неврологик текширув, мазкур тадқиқотни ўтказиш учун етарли ҳажмда ва тегишли шкалалардан фойдаланган ҳолда неврологик ва когнитив танқисликни ўрганиш, лаборатор-биокимёвий, инструментал усуллардан фойдаланилди, репрезентативликни математик-статистик усул таъминлади. Ишда қўлланилган усуллар ва услубий ёндашувлар белгиланган вазифаларга мос келади, ушбу тадқиқотни ўтказиш учун етарли ва унинг ишончлилигини таъминлайди.

Асосий гуруҳларга киритиш мезонлари қуйидагилар бўлди: ҳар икки жинсдаги, СА ёки ПАли, сурункали касалликларнинг ремиссия даврида бўлган беморлар. СА ва ПА ли беморлар, ўз навбатида, 30 кишидан иборат бўлган иккита кичик гуруҳларга бўлинган, улардан биринчиси, асосий терапиядан ташқари, таркибида левокарнитин ва аргинин гидрохлорид бўлган препаратни қабул қилган.

Тадқиқотдан коморбид касалликлари ҳуруж қилган ёки актив яллиғланиш даврида бўлган, онкологик касалликларга чалинган, буйрак ва жигар касалликларининг ҳамда сенил астениянинг терминал босқичида бўлган беморлар четлаштирилди. Бунинг сабаби бундай беморларда оғир демент синдромининг мавжудлиги ва кундалик ҳаётда уларнинг ўзгаларга тўлиқ қарамлиги улар билан мулоқотни қийинлаштириши билан боғлиқ.

ПА гуруҳидаги ўртача ёш $66,0 \pm 78,0$ ташкил этди, шундан эркаклар - 43,3% (n=26) ўртача $67,0 \pm 1,45$ ёшда, аёллар-56,7% (n=34) ўртача $65,2 \pm 0,80$ ёшда эди. Бунда, биринчи преастения кичик гуруҳида, эркаклар 40% (n=12),

ўртача $65,8 \pm 2,4$ ёшда, аёллар эса - 60% (n=18) ни ташкил қилиб, ўртача $64,4 \pm 0,91$ ёшда эди. Иккинчи кичик гуруҳда (назорат), эркаклар 46,7% (n=14) ташкил қилиб, ўртача $68,1 \pm 1,81$ ёшни, аёллар - 53,3% (n=16) ўртача $66,2 \pm 1,36$ ёшни ташкил этди.

СА гуруҳидаги ўртача ёш $72,4 \pm 0,85$ ни ташкил қилиб, шундан эркаклар - 48,3% (n=29) ўртача $72,2 \pm 1,30$ ёшда, аёллар - 51,7% (n=31) ўртача $72,6 \pm 1,13$ ёшда бўлган. Астения биринчи кичик гуруҳида, эркаклар 56,7%ни (n=17) ташкил этиб, ўртача ёши $72,9 \pm 1,70$, аёллар - 43,3% ни (n=13) ташкил этиб, ўртача ёши $73,9 \pm 1,46$ бўлган. Иккинчи кичик гуруҳда (таққослаш) эркаклар 40% (n=12) ўртача $71,3 \pm 2,27$ ёшда бўлган, аёллар - 60% ни (n=18) ташкил қилиб, ўртача $71,7 \pm 1,63$ ёшда бўлган.

Назорат гуруҳида (сенил астения ва преастениясиз) ўртача ёш $66,8 \pm 0,94$ бўлиб, шундан эркаклар 40% (n=12) ўртача $68,4 \pm 1,78$ ёшда, аёллар - 60% (n=18) ўртача $65,7 \pm 0,98$ ёшда бўлган.

Барча беморлар қабул қилинаётганда, стандарт бўйича клиник-неврологик текширувдан ўтказилди. Батафсил анамнез йиғилди, шунингдек когнитив бузилишлар характери ва даражаси, когнитив бузилишларнинг ривожланиш эҳтимоли, касалликнинг ривожланиш динамикаси, соматик ва неврологик статус қайд этиб борилди.

Бош мия нервлари, ҳаракат сфераси, мушаклар тонуси, пай рефлекслари, патологик рефлекслар, ҳаракат координацияси, сезги сфераси ва олий асаб тизими фаолияти ва ундаги етишмовчиликларнинг оғирлик даражаси баҳоланди.

СА ва ПА нинг оғирлик даражаси ва неврологик симптоматиканинг ривожланганлиги (барча гуруҳдаги беморларда қабул пайтида ва 60 кундан сўнг) сўровномалар ва шкалалар ёрдамида баҳоланди.

-«Ёш тўсиқ эмас». (2017) Сенил астенияни (СА) аниқлаш учун 7 балли «Ёш тўсиқ эмас» сўровномаси ишлатилган. Сўровномага 7 та савол киритилган бўлиб, уларнинг ҳар бирига иккита (ҳа/йўқ) жавоблари қўйилган. Ҳар бир саволда «ҳа» жавоби учун 1 балл, «йўқ» жавоби учун - 0 балл берилади;

- руҳий ҳолатни баҳолаш учун қисқа шкала (ингл. Mini-mental State Examination, MMSE, 1975) мавжуд бўлган когнитив бузилишларни скрининг қилиш учун ишлатилади.

- қисқа нутритив баҳолаш шкаласи. (Mini-Nutritional Assessment, MNA, 1994) мальнутрицияни (озикланиш етишмовчилиги) ёки унинг ривожланиш хавфини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган диагностик инструмент ҳисобланади;

- гериатрик депрессия шкаласи (Geriatric Depression Scale, GDS-15, 1982). GDS қисқа шакли 15 саволдан иборат бўлиб, 1986 йилда ишлаб чиқилган. Ушбу шкаланинг афзаллиги шундаки, у кексалар билан ишлаш учун махсус яратилган;

- Лоутон шкаласи (Lawton Instrumental activities of daily living Scale), ёки инструментал функционал фаоллик шкаласи (Лоутон 1969). Ушбу шкала бирон-бир ёрдамга (жисмоний, оғзаки, назорат) бўлган эҳтиёжни аниқлаш,

шахсининг ўзининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил кондиритиш қобилиятини баҳолаш учун мўлжалланган;

- FAS шкаласи (Fatigue Assessment Scale) чарчоқ даражасини ўлчаш учун қўлланилади. 1998 йилда ишлаб чиқилган FAS саволномаси 10 та саволдан иборат бўлиб, уларнинг 5 таси руҳий чарчоқни, қолган 5 таси эса жисмоний чарчоқни баҳолашга қаратилган. Саволлар бўлинганига қарамай, ушбу шкала бир ўлчовли бўлиб, умумий чарчоқ даражасини баҳолашга мўлжалланган.

Шунингдек, тадқиқотга беморнинг стационарда биринчи кунда қон зардобадаги DHEA-S ва VEGF миқдорлари кўрсаткичларини ўрганиш ҳам киритилди.

Қон зардобада (DHEA-S) ни аниқлаш рақобатли қаттиқ фазада хемиллюминесцент иммунофермент таҳлилига асосланган усул билан амалга оширилди. Биоматериал - веноз қон.

Қон зардобадаги VEGF таркибини аниқлаш учун ELISA иммуноферментли услуб, Вектор-Бест фирмасининг реактивлар тўплами, автоматик ридер Elx 800 (Biotek Instruments Inc., АҚШ) ишлатилган.

Шунингдек, сенил астения ва преастения қайд этилган беморларда аҳамиятли ҳисобланган тана массаси индекси (ТМИ) ва қафт динамометрия кўрсаткичлари ўрганилди.

Медикаментозли асосий терапия сенил астения ва преастенияли ҳар икки гуруҳда амалга оширилди ва иккиламчи профилактика доирасида кўрсатмаларга мувофиқ гипотензив, шишга қарши, ноотропли, вазоактив терапия, антикоагулянтлар ва антиагрегантлар каби воситаларини ўз ичига олди.

Биринчи кичик гуруҳларнинг беморлари Тиворель дори воситасини қабул қилишди (Юрия-Фарм фармацевтика компанияси, Украина). Фаол моддалар: левокарнитин ва аргинин гидрохлорид: 1 мл эритмада 20 мг левокарнитин ва 42 мг аргинин гидрохлориди мавжуд. Дори ҳажми 100 мл. Тиворель кунига 1 марта 100 мл дозада, 10 кун давомида томчилаб юборилган, иккинчи кичик гуруҳлар (таққослаш гуруҳлари) эса фақат анъанавий терапия қабул қилишган. Учинчи гуруҳни бош миянинг сурункали ишемияси (БМСИ) (ДЭ 2 – 3) ташхиси билан, аммо преастения ёки сенил астениясиз кўнгиллилар ташкил қилди. Кузатув давомийлиги Тиворель препаратини қўллаш бошланганидан кейин 10 кун. Шундан сўнг беморларга босқичма–босқич терапия сифатида L–Аргинин L-карнитин 10 мл 2 маҳал 2 ой давомида қабул қилишга ўтиш тавсия қилинди.

Олинган натижалар IBM -га мос келадиган компьютерда SPSS Inc. (2018) фирмасининг «SPSS for Windows» дастурий таъминот тўплами ёрдамида гуруҳлар бўйича t -ишонч коэффициенти (Стъюдент-Фишер фарқининг ишончилиги) мезони, вариацион статистика усулларида фойдаланган ҳолда қайта ишланди. Ўртача фарқларнинг ишончилиги Стъюдент мезони бўйича 95% ишонч оралиғи билан баҳоланди ($p < 0.05$). Клиник синов давомида олинган маълумотлар, шунингдек, Windows 10.0 учун STATISTICA дастури ёрдамида таҳлил қилинди. Амалдаги кўрсаткичлар ўртасидаги корреляция даражаси Пирсон корреляция коэффициенти ёрдамида корреляцион таҳлил ёрдамида аниқланди.

Диссертациянинг «Реабилитациядан олдинги даврда преастения ва астенияли беморларнинг клиник ва неврологик кўрсаткичларини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида СА ва ПА ли кичик гуруҳлардаги беморларда неврологик ҳолат динамикасини қиёсий баҳолаш амалга оширилган ва астенияли беморларда преастенияли беморларга нисбатан когнитив бузилишлар яққолроқ намоён бўлганлиги ҳақида хулосага келинган. Кичик гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишончли эмас эди. Олинган маълумотлар астения даражасининг когнитив бузилиш оғирлигига таъсири кўрсатишидан далолат бериши мумкин.

Тадқиқотга киритилган 60 беморнинг асосий ташхиси бош миянинг сурункали ишемияси БМСИ (ДЭ) бўлиб, уларда ПА аниқланган, улардан 56,7 % (n=34) аёллар ва 43,3 % эркеклар (n=26) бўлган. СА гуруҳида ҳам 60 бемор бўлган, улардан 48,3% эркеклар (n=29) ва 51,7% аёллар (n=31) .


Назорат гуруҳини (сенил астения ва преастениясиз) 40% эркеклар (n=12) ва 60% аёллар (n=18) ташкил қилган.

Беморларнинг умумий аҳволини баҳолаш учун тана вазни массаси, тана вазни индекси (ТВИ) ва кафт динамометрия ўлчовлари ўтказилди. САли беморлар гуруҳида 13 кг ва ундан кам динамометрия кўрсаткичлари 25 нафар беморда аниқланган, 14-17 кг 21 нафар беморда, 18-21 кг 14 нафар беморда ва 22-25 кг 0 беморда аниқланган.

ПА гуруҳида 8 нафар беморда 13 кг ва ундан кам динамометрия кўрсаткичлари, 10 нафар беморда 14-17 кг, 26 нафар беморда 18-21 кг, 16 нафар беморда 22-25 кг қайд этилган.

Назорат гуруҳида, кафт динамометрия ўлчовларида астения ёки преастения бўлмаган беморларда 18-21 кг 2 нафар бемор , 22-25 кг 12 нафар бемор ва 26 кг ва ундан кўп 16 нафар беморда қайд этилган.


1-расмда динамометрия кўрсаткичлари қийматларининг кг даги улушли тақсимланиши кўрсатилган бўлиб, бу турли гуруҳлардаги беморларнинг жисмоний ҳолатлари орасида сезиларли фарқлар мавжудлигини кўрсатади.



1-расм. Гуруҳларда даволашдан олдин динамометрия қийматларининг улушли тақсимланиши

САли беморлар гуруҳида динамометриянинг ўртача қийматлари $14,0 \pm 0,49$ ни ва ПА гуруҳида $18,4 \pm 0,58$ ни ташкил этди, бу сенил астения даражасининг беморлар жисмоний ҳолати кўрсаткичларида яққол акс этганлигини кўрсатиши мумкин.

Шу билан бирга, MNA шкаласига кўра даволаш бошида СА гуруҳи, 20% беморларда озикланиш етишмовчилиги, яъни мальнутриция (<17 балл) қайд этилди, беморларнинг 80% эса мальнутриция ёки озикланиш етишмовчилиги хавфи (17–23,5 балл) мавжудлиги кузатилди. (2-расм).




2-расм. Гуруҳларда беморларда даволанишдан олдин MNA (балл) шкаласи кўрсаткичи бўйича қийматларнинг улушли тақсимои

ПА гуруҳи даволашининг бошида, таҳлил қилиш мобайнида, беморларнинг 100% мальнутриция хавфи ҳолати ёки озикланиш етишмовчилиги хавфига эга бўлганлиги маълум бўлди (17-23,5 балл).

Назорат гуруҳида, MNA шкаласи кўрсаткичи бўйича мальнутриция хавфи беморларнинг 20% ида кузатилган, 80% беморларда эса >23,5 баллни ташкил қилган.


GDS -гериатрик депрессия шкаласига кўра, СА гуруҳида даволанишдан олдин 0-4 балл (депрессия йўқ) беморларнинг ҳеч бирида аниқланмаган, ≥ 5 балл (депрессия эҳтимоли) барча 100% беморларда қайд этилган. ПА гуруҳида 0-4 балл (депрессия йўқ) беморларнинг 3,3% ида аниқланган, ≥ 5 балл (депрессия эҳтимоли) беморларнинг 96,7% ида қайд этилган.

Назорат гуруҳида ≥ 5 балл (депрессия эҳтимоли) 43,3% беморларда қайд этилган (3-расм).



3-расм. Даволашдан олдин GDS (балл) шкаласи кўрсаткичи бўйича қийматларнинг улушли тақсимои

Инструментал ва функционал фаолликни баҳоловчи Лаутон шкаласи (мустақиллик даражаси кўрсаткичи) ёрдамида сенил астенияли беморлар гуруҳида даволанишдан олдин 28% беморлар 3-6 балл, 71,7 % беморлар эса 1-2 балл тўплаганлиги аниқланди. (4-расм).




4-расм. Даволашдан олдин Лаутон (балл) шкаласи кўрсаткичи бўйича қийматларнинг улушли тақсимои

ПА гуруҳида беморларнинг 90% даволанишдан олдин 3-6 балл , 10% эса 7-8 балл тўплаган. Назорат гуруҳида 23% беморлар 3-6 балл, 76,7% беморлар эса 7-8 балл тўплаган.

Даволашдан олдин сенил астенияли беморлар гуруҳидаги чарчоқни баҳолаш шкаласи (FAS) га кўра, 48,3% беморларда чарчоқ ҳолати (22-34 балл), 51,7% беморларда ҳаддан ташқари чарчоқ ҳолати (35 ёки ундан кўп балл) аниқланган. Даволашнинг бошида преастенияли беморлар гуруҳида, 85% беморларнинг чарчоқ ҳолати (22-34 балл), 15% беморларнинг ҳаддан ташқари чарчоқ ҳолати аниқланган (35 ёки ундан ортиқ балл).

Назорат гуруҳида чарчоқ ҳолати (22-34 балл) беморларнинг 66,7%да, чарчоқ йўқлиги (22 баллдан кам) беморларнинг 33,3% да аниқланган, ортиқча чарчоқ эса аниқланмади (5-расм).




5-расм. Даволашдан олдин FAS (балл) шкаласи кўрсаткичи бўйича қийматларнинг улушли тақсимои

Когнитив бузилишларни аниқлаш (скрининг) учун ишлатиладиган MMSE шкаласига кўра, СА гуруҳида даволанишдан олдин 29-30 балл (бузилишсиз) ва 28 балл (енгил когнитив бузилиш) аниқланмаган, 25-27 балл

(ўртача когнитив бузилиш) 1,7%, 20-24 балл (енгил деменция) 38,3% ва 10-19 балл (ўртача деменция) 60% беморларда аниқланган.

Даволашдан олдин ПАли беморлар гуруҳида 29-30 балл (бузилишлар йўқ) аниқланмаган, 28 балл (енгил когнитив бузилиш) 1,7% беморларда, 25-27 балл (ўртача когнитив бузилиш) 21,6%да беморларда, 20-24 балл (енгил деменция) 46,7% беморларда ва 10-19 балл (ўртача деменция) 30% беморларда аниқланган.


Назорат гуруҳида, 10% беморларда 29-30 балл (бузилишлар йўқ), 20% беморларда 28 балл (енгил когнитив бузилишлар) ва 70% беморларда 25-27 балл (ўртача когнитив бузилишлар) аниқланган (6-расм).



6-расм. Даволашдан олдин MMSE (балл) бўйича қийматларнинг улуш тақсимоти

СА ва ПА ли гуруҳларда DHEA-S андрогени ва VEGFнинг даволашдан олдинги кўрсаткичлари.


Текширилган беморларнинг қонидаги DHEA-S ва VEGF миқдорий таркибини ўрганишда қуйидаги кўрсаткичлар олинди: СА гуруҳида DHEA-S миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичига ($170,8 \pm 6,67$ мкг/дл) нисбатан сезиларли даражада ($p < 0,01$) паст ($102,9 \pm 3,67$ мкг/дл) бўлган, ва худди шундай ҳолат ПА гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан кузатишган ($111,6 \pm 2,83$ мкг/дл), буни СА синдромининг ривожланиши билан (унда DHEAS ишлаб чиқишнинг яққол пасайиши кузатилади) боғлаш мумкин (7-расм).



Изоҳ: * - статистик муҳим фарқлар ($p < 0,01$)


7-расм. Гуруҳларда даволашдан олдин DHEA-s ўртача қийматлари

ПА гуруҳида DHEA-S миқдори СА гуруҳидаги DHEA-S кўрсаткичига нисбатан бироз юқорироқ эди (мос равишда $111,6 \pm 2,83$ мкг/дл ва $102,9 \pm 3,67$), аммо қийматлар кўрсаткичлардаги фарқнинг ишончилигини кўрсатмади. Назорат гуруҳи билан таққослаганда СА ва ПА гуруҳларида сезиларли ўзгаришлар кузатилди ($P < 0,01$). Шу билан бирга, СА гуруҳида DHEA-S қиймати 100 мкг/дл дан кам бўлган беморлар сони, шартли равишда оладиган бўлсак, 46,73% ва ПА гуруҳида 30% ни ташкил этди. Гуруҳлардаги DHEA-S улушли пасайишининг яққоллиги 8-расмда келтирилган.



8-расм. Гуруҳларда даволашдан олдинги DHEA-S (мкг/дл) кўрсаткичи бўйича улушли тақсимланилиши


VEGF миқдорини аниқлаш натижасида СА гуруҳи учун унинг ишончли ($p < 0,05$) даражада пасайгани аниқланди ($215,8 \pm 12,8$ пг/мл), бу назорат гуруҳидаги VEGF кўрсаткичи ($403,3 \pm 19,5$ пг/мл) билан солиштирилганда сезиларли фарқ қилди. Худди шундай ҳолат преастенияга эга беморлар гуруҳида ҳам кузатилди, бу ерда ишончли ($p < 0,01$) пасайиш қайд этилди ($292,1 \pm 11,4$ пг/мл). Бу натижаларни астения ривожланишининг анамнези билан боғлаш мумкин, чунки бундай ҳолларда VEGF ишлаб чиқилишида сезиларли пасайиш кузатилади (9-расм).



Изоҳ: * - статистик аҳамиятли фарқлар ($p < 0,01$)


9-расм. Гуруҳларда даволашдан олдин VEGF ўртача қийматлари.

Шу билан бирга, преастения ва сенил астенияли иккала гуруҳда VEGF қийматлари таққослаш ҳам ўрганилган кўрсаткичларнинг пасайиш улушидаги фарқнинг ишончилигини кўрсатди (10-расм).



10-расм. Астенияли гуруҳларда даволанишдан олдин VEGF кўрсаткичлари бўйича қийматларнинг улуш тақсимоти

Преастения ва сенил астенияли гуруҳларда неврологик ўзгаришлар бўйича кўрсаткичлар. Таъкидлаш жоиз, астенияли беморлар гуруҳида кузатилаётган неврологик касалликларнинг хавфи преастения гуруҳига караганда 22% юқорилиги аниқланди (11-расм).



11-расм. Кузатилаётган гуруҳларда қабул қилишда неврологик патологиялар учраши частотасининг кўрсаткичлари

Диаграммада барча нозологиялар учун астения гуруҳидаги неврологик патологиялар ҳолатларининг деярли бир хил ўсиши кўрсатилган. Бу патологияларнинг частотасига жуда мос келади, ушбу беморларни преастенияли ва астенияли гуруҳларга ажратиш айнан шунга асосланган.

Диссертациянинг «DHEA гормони ва VEGF сигнал оқсилининг преастения ва сенил астения синдромларининг клиник кўринишларига

таъсири» деб номланган тўртинчи бобида, баъзи гормонларнинг астения ривожланишидаги мушак кучи ҳолатига ва неоангиогенезга таъсири кузатилади, бу VEGF (Vascular endothelial growth factor) каби сигнал оқсилнинг ва DHEA-s (Dihydroepiandrosterone-sulfate) гормонининг бу жараёндаги роли ҳақида мулоҳаза юритиш имконини беради. Преастенияли беморларда неврологик ва когнитив функцияларнинг тикланиши жараёни астенияли беморларга қараганда нисбатан тезроқ содир бўлиши аниқланди, бу ушбу тоифадаги беморлар неврологик ҳолатининг оғирроқ кечиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Қон плазмасидаги гормон миқдори ва маълум бир клиник кўрсаткичнинг ифодаланганлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш учун Пирсон усули ёрдамида корреляцион таҳлил ўтказилди.

